

ЁЗУВЧИ НУРУЛЛОҲ МУҲАММАД РАУФҲОННИНГ “ҚИЁМАТ” ҲИКОЯСИ КОМПОЗИЦИЯСИГА ЧИЗГИЛАР

Сабина Зайниддин қизи БЕРДИЕВА

талаба

Алишер Навоий номидаги
Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти

университети

Тошкент, Ўзбекистон

E-mail: berdiyevasabina8@gmail.com

Аннотация

Ушбу мақолада мустақиллик даври ижодкорларидан бири Нуруллоҳ Муҳаммад Рауфхоннинг “Қиёмат” ҳикояси ҳақида сўз юритилади. Ёзувчи ижодида диний-маърифий мавзунинг ўрни, образ яратишда адиб услубий маҳорати масаласи таҳлил қилинади. Шунингдек, адиб ҳикоясининг композицион ўзига хослиги, сарлавҳа ҳамда бадиий пейзаж, сўнгги жумла поэтикаси каби масалалар ўрганилади. Бундан ташқари ҳикоя тили ва унда келтирилган хронотопга ҳам алоҳида тўхтаб ўтилади.

Таянч сўзлар: ҳикоя, сарлавҳа, композиция, хронотоп, бадиий пейзаж, образ, услуб, жанр, сўнгги жумла.

ЗАРИСОВКИ К КОМПОЗИЦИИ РАССКАЗА ПИСАТЕЛЯ НУРУЛЛОҲА МУҲАММАДА РАУФҲОНА “СУДНЫЙ ДЕНЬ”

Сабина Зайниддин қизи БЕРДИЕВА

студент

Ташкентский государственный университет узбекского языка и
литературы имени Алишера Навои

Ташкент, Узбекистан

E-mail: berdiyevasabina8@gmail.com

Аннотация

В данной статье речь идет о рассказе «Судный день» Нуруллы Муҳаммада Рауфхана, одного из творцов периода независимости. Анализируется роль религиозно-просветительской темы в творчестве, вопрос стилистического мастерства писателя в создании образа. Также изучаются такие вопросы, как композиционное своеобразие рассказа писателя, заглавие и художественный пейзаж, поэтика последнего предложения. Кроме того, особо рассматриваются язык рассказа и представленный в нем хронотоп.

Ключевые слова: рассказ, заглавие, композиция, хронотоп, художественный пейзаж, образ, стиль, жанр, последнее предложение.

Ҳикоя – бадиий адабиётда кичик эпик жанр, ҳаёт ходисалари ихчам ифода этиладиган насрий асар. Жаҳон адабиётида ҳикоя қадим анъаналарга эга. Ўтмишда ҳикоя фольклор асарлари таркибида баён унсури бўлиб

иштирок этган. Мустақил жанр сифатида фақат ёзма адабиётда шаклланган. Европа адабиётида ҳикоячиликнинг ривожланишига италян ёзувчиси Ж.Бокаччо “Декамерон” асари билан катта ҳисса қўшган. Европа адабиётида ҳикоя новелла деб ҳам юритилади. Ўзбек адабиётида эса ҳикоя генезиси жуда қадим даврларга бориб тақалади. Илк ёзма адабий ёдгорликлар – Култегин ва Тўньюқуқ битиктошларида баён қилинган воқеалар иштирок этувчилар томонидан ҳикоя қилинган. Ўзбек ҳикоячилиги тарихи халқ насри ва мумтоз адабиётимиз замиридаги ҳикоятларни истисно этганда, асосан, XX асрнинг илк чораги, Абдулла Қодирий, Абдулхамид Чўлпон, Абдурауф Фитратлар ижодида айниқса кенг қўлланган. Кейинги давр ҳикоячилиги Ойбек, Ғафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор, Саид Аҳмад, Шукур Холмирзаев сингари адиблар ижодида янада юксалди. Истиқлол йилларида поэтик тафаккур янгиланиб, ушбу жанр Нуруллоҳ Муҳаммад Рауфхон, Эркин Аъзам, Нормурод Норқобилов, Назар Эшонқул, Исажон Султон, Шодиқул Ҳамро, Улуғбек Ҳамдам каби ёзувчилар ижодида ўзгача шакл ва услубга эга бўлди. Ёзувчилар одатда ўз ижодини ҳикоя қоралаш билан бошлайди. Чунки ҳикоя жанри ёзувчига кўникма, малака ошириш, ижодкор сифатида шаклланиш, муайян бир йўналиш ва услубга тушиб олиши учун қулайдир. Насрдаги изланиш ва тажрибалар самараси бугунги кунда ҳикоянинг ҳажми, мавзу хилма-хиллиги, бадиий-эстетик тасвир воситаларини кенгайтди. Тасвирнинг ҳикояга кўчиши, ички руҳий таҳлилларнинг кучайиши, ҳозирги мураккаб фан ва технологиялар замида инсон фикр доираси, ички кечинмалари чигаллашиб бораётгани мураккаб ва ўйлантирадиган ҳикоялар ёзишга омил бўлади.

Ҳикоя улкан ҳаёт воқелигидан кичик бир эпизодни эпик планда акс эттирувчи, замонавий адабиётнинг фаол жанрларидан бири. Унда қаламга олинадиган ҳаёт воқелиги фонида қаҳрамон руҳий оламини тасвирлаш, характерини очиш ҳикояга хос етакчи жиҳатлардан ҳисобланади. Нуруллоҳ Муҳаммад Рауфхоннинг ҳикояларида образ яратиш маҳорати, сарлавҳа танлашдаги нозик жиҳатлари, пейзажнинг бадиий ифодаси, хронотопнинг

ҳикоя композициясидаги вазифасини ўзига хос тарзда, бошқаларга ўхшамаган ўзгача услубда намоён қилишини биргина “Қиёмат” ҳикояси орқали ҳам кўришимиз мумкин.

Ҳар қандай бадиий асар поэтикаси ҳақида гапирилганда, биринчи бўлиб, унинг композицион хусусиятлари ёки, айтайлик, ёзувчининг бадиий маҳорати ҳақида гап борадиган бўлса, ижодкорнинг композиция яратишдаги индивидуал маҳоратига эътибор қаратамиз. Биринчи навбатда, композиция тушунчаси ҳақида тўхталадиган бўлсак, адабиётшунос олим Дилмурод Қуროновнинг қуйидаги фикрлари эътиборга молик: “Бадиий асардаги шакл компонентларини мазмунни шакллантириш ва ифодалаш учун энг қулай тарзда уюштириш композициянинг зиммасидаги вазифа саналади. Композиция (*лот.*, тартибга солиш, тузиб чиқиш) асардаги барча унсурларни шундай уюштирадими, натижада унда биронта ҳам ортиқча унсурнинг ўзи бўлмайди, зеро, ҳар бир унсур асар бутунлигида ўзининг функциясига эга, муайян ғоявий-бадиий юк ташиydi. Асарда уларнинг ҳар бири ўз ўрнида, меъёрида ишлатилиши, бутун билан мустаҳкам алоқада бўладиган ва бу алоқалар англанадиган тарзда жойлаштирилиши муҳим” [6;134]. Нуруллоҳ Муҳаммад Рауфхоннинг “Қиёмат” ҳикояси тўлақонли диний-маърифий мавзуда ёзилган бўлиб, унинг композицион қурилиши ота-боболаридан мерос қолган касбни ташламаган муаззин, Совет тузуми даврида қишлоқ аҳолисининг диндан узоқлашуви, жарчининг (муаззиннинг) одамларни намозга чақирувига жавобан унинг тентакка чиқарилиши, телбага чиқарилган бўлса-да, харобага айланган масжидда беш маҳал азон айтишдан тўхтамаганлиги, ҳикоя сўнгида эса ўн икки ёшлардаги боланинг унга эргашиши ва улар биргаликда аср намозини ўқиши каби воқеалардан иборат.

Ҳикоянинг композицион даврига қарайдиган бўлсак:

Бобо → Ота → Ўғил

Ушбу уч даврни қамраб олади. Ҳикояда қаҳрамоннинг дастлаб бобосининг, сўнг отасининг ва қаҳрамоннинг ўзини жарчилик қилган даври ҳақида гапиради. “...*Жарчилик унга раҳматли отасидан ўтган. Отаси*

айтишича, унинг ҳам отаси шу қишлоқда жар чақириб ўтган. Ундан олдин катта бобоси...” Ҳикоядан келтирилган ушбу парчада ҳам айтилиши учун композицион давр мужассам бўлиб, одамларни намозга чақиритишдаги ҳаракатларидан ташкил топган.

Ҳикоянинг биронта қаҳрамонига ёзувчи томонидан ном берилмаган, қаҳрамонлар ёши ва касбига кўра аталган. Умуман, бугунги янгиланган бадиий адабиётда қаҳрамонлари исмсиз бўлган асарлар кўпаймоқда. Буларда мураккаб метафорик образлар мужассамланади. Маҳмадиёр Асадов ўзининг номзодлик диссертациясида таъкидлашича, “бош қаҳрамонлар ўрнида ишлатиладиган бу қисқа номлар муаллифлар исмининг шунчаки бош ҳарфи эмас, балки уларда қаҳрамон (муаллиф)нинг ҳис-туйғулари, фикру хаёллари, эътиқоди, ҳаётий тажриба ва қарашлари намоён бўлади. Қолаверса, бу қаҳрамонлар борлиқни тушунолмай, ўз мавжудлигини ифода этолмас экан, уларга исмнинг ҳам кераги бўлмайди. Ўз эрки, ихтиёридан маҳрум, истакларини амалга оширолмаган одам муайян қиёфага ҳам эга эмас. Бу шартли исмлар уларнинг жамиятдаги айтилиши дамидаги мавқеини ҳам белгилаб беради” [1; 94]. Асарларда қаҳрамонларга исм қўйилмаслигида ёзувчининг муайян мақсадига хизмат қилиши кўзда тутилади. Айтилиши таҳлилга тортилган ҳикояда ҳам қаҳрамонлар номсиз ҳолда муайян мақсадларга хизмат қилади, “жарчи”, “чол”, “бола” кабилар шулар жумласидандир. Ёзувчи томонидан “чол” деб аталган қаҳрамон ёшининг катталиги ва тажрибалилигидан келиб чиқиб, ҳикоя бош қаҳрамонининг тирик қолишига бир қадар ёрдам беради. Бош қаҳрамон жарчи Совет тузуми даврида намоз ўқиш тақиқланган, Қуръон ўқиганлар қамоққа олинган бир пайтда, ота-бобоси қилган ишни давом эттириш учун ўлимни бўйнига олиб масжидга боради, азон айтади. Бу ҳаракатларидан қишлоқ аҳолиси ҳайратда қолади ва унинг ҳаракатларига чол “тентак” дея хулоса чиқаради. Ҳикоядаги “қари билганни пари билмайди” мақоли эса айтилиши шу ҳолат учун қўлланган бўлиб, аслида чол уни “тентак” дейишида Совет ҳокимияти одамларидан уни асраб қолишни мақсад қилган эди. Ёзувчи мақсадини ифодалашда бу образ муайян даражада хизмат

килганига гувоҳ бўламиз. Асарларда “тентак”, “телба” образлари орқали асарнинг асосий мақсади ифода этилади, аммо ушбу ҳикояда жарчи одамлар томонидан тентакка чиқарилади, аслида эса ёзувчи бу номни қишлоқ одамларининг ўзлари тентак эканликларини ифодалаш учун танлаган.

Ҳикоя хронотопи ҳақида мулоҳаза юритишдан аввал хронотоп тушунчасига тўхталиб ўтсак.

Адабий асарда макон ва замон муаммоси, гарчи унга қадар маълум даражада ўрганилган бўлса ҳам, бевосита “хронотоп” истилоҳи рус олими М.Бахтин томонидан ўтган асрнинг 30-йилларида адабиётшуносликка татбиқ этилган. “Адабиётимизда бадиий идрок этилган замон ва маконро уйғунликни хронотоп (сўзма-сўз таржимада макон-замон деган маънони билдиради), деб атаймиз [2;72]. Таҳлил қилинаётган ҳикояда келтирилган хронотоп масжид ва минора Совет тузуми даврида янтоқ босган харобазорга айланганлиги, одамлар у ерга мол-қўйларини боқмасликлари келтирилган. Масжид хронотопи ҳикоя композициясини очишда асосий вазифани бажаради. *“Яратган Зотни йўқ дейишдан қўрқмаган давлат қандайдир бир мачит мулкидан ҳазар қилармиди?! Йўқ, тегмади. Нимагалигини ўзи билади, лекин бу ерни на бировга уй-жойга берди ва на бирон дўкон-мўкон қурди. Давлат балки атай ўзлаштирмаётгандир. “Сенларнинг ўтмишингни қулатдик, “шонли тарих”ингдан мана шу каби харобаларгина қолди! Энди асло қайтиб оёққа турмайди! Эски замонлардагидай қилиб тиклаёлмайсан ҳам! Ҳеч қачон!” деган фикрни эл-улус миясига доимий сингдириб бориш учун жўрттага сақлаб қўйгандир”*. Ҳикоядан келтирилган ушбу парчадан ҳам маълум бўладики, Совет давлати масжидларни харобазорга айлантирган, масжиди хароб бўлган халқнинг дини ҳам, ўзлиги ҳам хароб бўлади. Асл фожиа, асл Қиёмат мана шу эмасми?

Комилжон Ҳамраевнинг “Ҳикоя композицияси” номли монографиясида сарлавҳанинг типлари ва структурасига алоҳида тўхталиб, “...ижодкор матн мазмунини маълум бир сўз ёхуд жумлага жо қилар экан, бадиий асар моҳиятини сарлавҳага яширади. Бошқача айтганда, сарлавҳа

ижодкорнинг бадиий нияти, асар ғояси, образлар тизими ва барча унсурларни ягона фокусга жойловчи митти асардир” [7;94] дея қайд этилган. Таҳлил қилинётган ҳикоянинг сарлавҳасини ёзувчи бутун ҳикоя мазмунидан келиб чиқиб, “Қиёмат” деб номлайди. Ушбу берилган ном ҳикояда келтирилган воқеалар билан ўзаро боғлиқ бўлиб, ёзувчи ҳикояси орқали Қиёматнинг кичик аломатларидан бирини кўрсатиб ўтилмоқда.

Анас ибн Молик (р.а.) вафоти яқинлашганида айтди: “Сизларга Расулуллоҳ (с.а.в.)дан бир ҳадис айтиб берайми?! Мендан кейин ҳеч ким уни сизга айтмайди! Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг қуйидаги сўзларини эшитганман:

– Илмнинг кўтарилиши, жаҳолатнинг зоҳир бўлиши, хамрнинг ичилиши, зинонинг ёйилиши ва эркакларнинг камайиб, аёлларнинг кўпайиб кетиши Қиёмат қойим шартларидандир. Ҳатто эллик аёлга битта қаровчи-эркак бўлади” (Имом Бухорий, Имом Муслим ривояти) [3;6] Ушбу Ҳадиси шарифда берилган маълумот айни ҳикояда келтирилган мазмун билан ҳамоҳангдир. “Тангрим, мен қўлимдан келганини қилдим. Бобомнинг ишини отам узмаганидек, мен ҳам отамнинг ишини узмадим, Ўзинг кўриб турибсан. Лекин одамларга етказа олмадим... Одамлар менинг чақирғимга жавоб бермади... Кечир мени, Тангрим!..” ҳикоядан олинган ушбу парчадан ҳам аён бўладики, одамлар жаҳолатнинг ботқоғига ботган, неча йиллардан бери намозга чақирса ҳам, бирон кимса жавоб бермаган, Совет тузуми ҳоқимияти ўзлари кофир бўлганлари ҳолда босиб олган ҳудудларини ҳам динидан узоқ қилгани юқорида келтирилган ҳадисдаги жаҳолатнинг зоҳир бўлишидир.

Ҳикоянинг сўнгги *“Болакай Жарчининг ўнг ёнбошига келиб турди, очиқ кафтларини олдга қаратиб қулоқ қоқди ва ичида шивирлади:*

– *Оллоҳу акбар!..”* шундай жумлалар билан яқунланади. Ҳикоя композициясида сўнгги жумланинг ўрни ниҳоятда муҳим. К.Ҳамраевнинг “Ҳикоя композицияси” монографиясида сўнгги жумла поэтикаси ҳақида қуйидагиларни келтиради: “Сўнгги жумлада бадиий асар композициясининг ялпи гармонияси ойдинлашади. Сўнгги жумла – забт этилган чўққи. Унда бадиий асар оламининг эстетик гўзаллиги ва завқу шавқи мужассам. Сўнгги

жумладан сўнг ёзувчи енгил тин олади, дарди арийди, ўқувчининг эса хайрати ошади, изтиробга тушади. Сўнгги жумлада айтилган фикрлар сарҳисоб қилинади, хулоса чиқарилади. Кимдир бадий асарни сўнгги жумла учун яратса, яна кимдир сўнгги жумлани персонажлар тақдирига ҳавола қилади. Албатта, бу ёзувчининг бадий услуби ва поэтик маҳорати билан боғлиқ” [7;110]. Таҳлили амалга оширилаётган ҳикоянинг ҳам сўнгги жумласида улкан маъно мужассам. “Оллоҳу акбар” жумласи орқали ёзувчи ойдин, мустақил кунларга умид қилмоқда ва унинг бир нишонаси сифатида болақайнинг қаҳрамон билан бирга намоз ўқиганлигини келтиради.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, Нуруллоҳ Муҳаммад Рауфхон ижоди бугунги ўзбек ҳикоячилигида бир қанча хусусиятлари билан ажралиб туради, Буларга мисол қилиб адибнинг образ яратишдаги маҳоратини айтиб ўтиш мумкин. Бундан ташқари Нуруллоҳ Муҳаммад Рауфхон ижодкор сифатида бир асрлик ўзбек ҳикоячилиги анъаналарини ўз ижодида ҳам давом эттирди. Хусусан, ҳикояларида диний-маърифий мавзунинг устунлиги ва бадий ифода этилганлиги яққол кўзга ташланади. “Қиёмат” ҳикояси орқали ёзувчи Қиёматнинг кичик аломатларидан бири жаҳолатнинг ёйилишини ифодалаб, аммо биргина умид, яъни ўн икки ёшлардаги боланинг муаззинга эргашиб намоз ўқиши орқали ҳали бу ерда эзгулик, маърифат уруғи йўқолиб кетмагани, бор умидни мана ўсиб келаётган келажак авлоддан кутишини нишона сифатида келтиради.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Асадов М.Т. Жаҳон ва ўзбек насрида “ёлғизлик мотиви”нинг модернистик талқини (А.Камю, Х.Дўстмуҳаммад, У.Ҳамдам насри мисолида): филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси. – Тошкент, 2022.
2. Жўрақулов, У. Назарий потика масалалари: муаллиф, жанр, хронотоп. – Тошкент: Фафур Фулом, 2015. – 354 б.
3. Жабар, Муҳаммад Саламат. Қиёматнинг аломатлари. – Тошкент. Мовароуннаҳр, 2003.

4. Комилова С. XX аср охири – XXI аср бошлари рус ва ўзбек адабиётида ҳикоя жанри поэтикасининг ривожини: фил.ф.докт.дисс.автореф. – Тошкент, 2016.
5. Султон, Иззат. Адабиёт назарияси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1986. – 408 б.
6. Қуронов Д, Мамажонов З., Шералиева М. Адабиётшунослик луғати. – Тошкент: Akademnashr, 2010.
7. Ҳамраев К. Ҳикоя композицияси. – Тошкент: Nurafshon business, 2020. – 130 б.
8. Ҳотамов Н., Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1979.